



БМТ Бош Ассамблеяси Кримнинг аннексия қилинишини ҳақиқий эмас, деб эълон қилган “Украинанинг ҳудудий яхлитлиги” тўғрисидаги резолюция бўйича овоз берди. Россиянинг Қримни аннексия қилганини қоралаган резолюцияни 100 мамлакат қўллаб-қувватлади, 11 мамлакат унга қарши овоз берди ва 58 мамлакат, жумладан, Ўзбекистон бетараф қолди.

Озодликнинг Курултой эшиттиришида ушбу мавзунини муҳокама қилдик. Эшиттиришда Америка овози радиоси мухбири Навбахор Имомова, сиёсатшунослар Комрон Алиев, Тошпўлат Йўлдошев иштирок қилди.

Дастурда қатнашган Ўзбекистон муҳолифати етакчиларидан бири, Ўзбекистон Эрк демократик партияси лидери Мухаммад Солих “Украинанинг ҳудудий яхлитлиги” тўғрисидаги резолюция масалада бетараф қолган расмий Тошкент позициясини қувватлашни билдирди:

- Албатта Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида қилган ишларини кузатадиган бўлсак, мана шу Қрим масаласидаги ўзининг тутган позицияси, балки 25 йиллик Каримов ташқи сиёсатининг энг кўзга кўринарли ва энг жиддий позиция эканлигини кўраемиз. Яъни ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон

ўзининг бир давлат эканини жуда катта бўлмаса ҳам битта жист билан кўрсатди. Шу маънода мана бу жим турган ёки Россиянинг босқинчи сиёсатини қўллаб турган турк жумҳуриятлари ичида, умуман Урта Осиё жумҳуриятлари

МУҲАММАД СОЛИХ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ УКРАИНА ЯХЛИТЛИГИ ҲАҚИДАГИ ФИКРИНИ ҚУВВАТЛАЙМИЗ!

ичида Ўзбекистон ҳақиқатан ўзининг обрўсини мана шу онда бироз сақлаб қолди. Шунга ҳам шукур, деб таъкидлади Мухаммад Солих Озодликнинг Курултой эшиттиришида. Ўзбекистон Украинадаги воқеалар хусусида иккита баёнотида мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ҳурмат қилиниши керак, деган позицияни билдирган эди.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг БМТдаги бетарафлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Ўзбекистоннинг бу масаладаги тарафи қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб берган Мухаммад Солих “Биз мазлумлар тарафидамиз” деб жавоб берди.

- Бизнинг тарафимиз мазлумлар тарафида бўлади. Адолат тарафида бўлиши керак бизнинг тарафимиз. Шу маънода биз албатта ери ишғол қилинган мазлум Қрим халқи тарафидамиз. Биринчидан, тарихий нуқтаи назардан қараганда

ҳам бугунги Қрим тупроқлари скифлардан бошлаб то бугунга қадар доим турклар яшаган, туркий халқ деб айтишади, русчадан “калка” қилиб таржима қилганда. Аслида турклар яшаган бир тупроқдир. Бугун ҳам турклар яшашпти ўша ерда, оз бўлса ҳам, кам сонли бўлса ҳам. Шунинг учун ҳам бу турк тупроғидир ва буни босиб олган, ўзича гўё тарихий баҳоналар билан гўё аввалдан “Бу Россиянинг тупроғи эди. Биз уни фақат қайтариб олаёلمиз” деган баҳоналар билан аннексия қилган рус давлати албатта босқинчилик сиёсатидир. Бу аннексиядир, бу бир экспансив сиёсатнинг балки бошлонғич қадамларидир. Шунинг учун ҳам бу сиёсатни биз мутлақо қабул қила олмаймиз ва қабул қилганлар ҳам ё шуурсиз, ё жоҳил ё хоинлардир.

Россия Украинанинг Қримни аннексия қилиб олганидан бери шу мавзудаги хабарларимизга тингловчиларимиздан, айниқса,

Россияда ишлаб юрган ўзбекистонликлардан келаётган шарҳларнинг бир қисмида россияпарастлик руҳи яққол сезилмоқда. Курултой дастурида Мухаммад Солих бу масалага ҳам муносабат билдирди:

- Бу инсонлар демак ҳали ҳам онгини мустақил қилиб ололмаган. Буларнинг онги ҳали ҳам куллик занжирлари билан ўраб-чирмалган онг соҳиблари бу инсонлар ким бўлишидан қатъий назар. Ичида бизга яқин бўлган дўстларимиз ҳам бор. Аммо афсуски, 25 йил мустақиллик деб булар бонг урдилар. Демак, ҳали ҳам буларнинг онги куллик занжири билан ўраб-чирмалиб ётибди. Буни, айниқса менга жуда қаттиқ ботади, шоирларимиз, бугунги миллатнинг гуллари ҳисобланган интеллигенция айтаётгани жуда инсонга қаттиқ ботади.

(Давоми келгуси саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Хали мустақиллик нима эканини тушунмаган бу инсонлар. 25 йилдан бери мустақилмиз, деб булар мадҳ қиляпти Каримов режимини. Аслида мустақиллик фақат Каримов ва унинг режимининг мустақиллиги.

Лекин уларнинг ичида мустақиллик кайфияти борми? Уруш пайтида биз орзу қилган мустақилликни айтаяпман. Демак улар фақат бу нарсани бир шеърый образ сифатида қараган ва ҳеч қачон мустақилликнинг илдизига етиб бормаган жоҳил ақллилар булар, кечирасиз, деб таъкидлаган Муҳаммад Солиҳ.

Сухбатдош ушбу муаммонинг илдизлари ҳақида ҳам изоҳларига ҳам тўхталиб, улар ҳақиқий мустақилликни англаб етмагани асосий сабаб экани ҳақида гапирди.

- Буни юқорида ҳам айтдим. Англаб етганларининг ҳам жуда кўпчилиги юрт ташқарисига сургун қилинди ёки қамалди. Миллатнинг олдидаги лидер кадрлар ҳаммаси ҳозир юрт ташқарисиди, қамалган ёки уларга минбар берилмапти Ўзбекистон ичида. Шунинг учун ҳам зиёли, деб айтаётган маддоҳлар тўдаси бугун Ўзбекистон ичидаги режим идеологиясини бошқариб турган бир тўдадир. Буларнинг ҳеч қачон мустақиллик деган дарди зотан бўлмаган. Совет даврида ҳам, бугун ҳам Каримовнинг айтган мустақиллиги буларнинг онгида. Шунинг учун ҳам бу аҳволдамыз. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон бугун ўзининг қуллигини кучоқлаб, ўзининг қуллигига мадҳ айтаётган халқ бўлиб кўринапти. Лекин халқнинг ичида барибир ҳам 70-80 йилларда кўрганимиз, шохид бўлганимиз кучлар миллатнинг виждони деб аталишга лойиқ бўлган кучлар ҳали ҳам ўша халқнинг устида яшайпти.

Аслида Ўзбекистоннинг ҳозирги нимаси бетараф эмас. Аслида бир тараф тутди Ўзбекистон ва бу бизни жуда қувонтирди. Биз Каримовни ёмон кўрамыз, режимни ёмон кўрамыз, аммо бугунги ташқи сиёсатдаги позициясини мен қўллаб-қувватлайман Ўзбекистоннинг. Бу жуда тўғри позиция. Украинанинг қисми ҳисобланган Қрим ярим оролини руслар босиб олди ва бу ҳақиқатни Ўзбекистоннинг англаши бетарафлик эмас балки тарафдир, деди суҳбатдош.

ozodlik.org



ЎЗБЕКИСТОНДА НАЗОРАТГА ОЛИНИШ НАВБАТИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

Podrobno.uz нашри берган хабарга кўра Ўзбекистонда қурилиш-пудрат ташкилотларининг махсус реестри тузилди.

Мазкур реестрни шакллантиришда Давлат архитектура қурилиши, Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шуғулланишган. Бугунги кунда реестрга 1.9 мингдан ортиқ қурилиш-подряд ташкилотлари китирилган. 2014 йил 1 июлдан бошлаб капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини фақатгина шу реестрга кирган подряд ташкилотлари амалга ошириш мумкин.

Нашрда фақат реестрга киритилиш эвазига қурилиш ташкилотларига гўёки қулайликлар яратишга қаратилган имтиёзлар берилгани ҳақида сўз боради. Масалан, реестрга кирган ташкилотларнинг қатор солиқ преференцияларига эга бўлиши айтилади. Преференциялар сифатида қуйидаги тўловлардан озод қилиниш ҳақида сўз боради:

-2018 йил 31 декабргача Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган қурилиш техникаси ва жиҳозлар, кичик механизация воситалари, технологик таъминот, жумладан асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлари ва жиҳозлар маҳсулотларини импорт қилиш учун боғжона тўловлари;

-реестрга кирган санадан бошлаб 3 йилга қурилиш техникаси ва жиҳозлар, кичик механизация воситалари, технологик таъминот, жумладан асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлари ва жиҳозлар маҳсулотларини сотиб олиш натижасида озод қилинадиган маблағларнинг мақсадли йўналтирилган юридик шахсларнинг фойда солиғидан.

Бироқ, мазкур реестрларнинг тузилишдан мақсад фақатгина

солиқ имтиёзлар яратиб бериш эмас, балки қурилиш ташкилотлари устидан назоратни кучайтириш эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Юқорида санаб ўтилган имтиёзлар ўз навбатида қурилиш ташкилотлари зиммасига бир қанча мажбуриятларни ҳам юклаши мумкин.

Хусусан, қурилиш ташкилотининг объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш мақсадида бирор бир тендерда қатнашиш учун юқорида таъкидланган реестрга олинганлик тўғрисидаги ҳужжат ёки рухсатнома тақдим қилишига тўғри келади.

Бу эса, ўз навбатида ортиқча бюрократия ва қоғозбозлик процедураларидан ўтишнитоқозоэтади. Ундан ташқари, реестрдаги маълумотларни доимий равишда янгиланган тури зарурати ҳокимият идораларининг қурилиш ташкилотлари ишига ортиқча аралашувига олиб келиши мумкин.

Бу эса шундоқ ҳам коррупция ботқоғига ботган давлатлар рўйхатида энг олдинги ўринларда турувчи Ўзбекистонда давлат масъулларига яна бир ноқонуний даромад манбаини яратиб беради.

Ўзбекистонда кейинги йиллар мобайнида турли хил йўналишлардаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назоратга олишга қаратилган бир қанча реестрларни тузишга алоҳида эътибор берилди бошланганини кузатиш мумкин. Масалан, 2013 йил 23 октябрь куни "Гаров реестри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганди. Мақсади гаров реестрини юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат деб айтилган мазкур қонун асосида яна бир назорат органи — гаров реестрини юритиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузурида гаров реестрини юритувчи ташкилот тузилганди.

УХХ ахборот бўлими



Россия Федерал миграция хизмати (ФМС) 600 мингдан ортиқ ҳорижий мигрантга мамлакат ҳудудига киришни таъқиқлаб қўйди.

Бу ҳақда Россия президенти Владимир Путинга Федерал хизмат бошлиғи Константин Ромодановский маълумот берган.

Маҳкам Жиянов Яккабўғ туманидаги Татар маҳалла фуқаролар йиғинининг Ширинбулоқ қишлоғида яшайди. Ёши 30 ни қоралаб қолган бу йигит 2006-йилдан буён Қозоғистан Республикасининг Жамбул вилоятидаги Тарас шаҳрига бориб қурилиш ишларида ишлаб келади. Бир қарашда оддий ҳол.

Тинчгина бориб ишлаб, ўз кунини кўриб юраверса-ку олам гулистон еди. Аммо у ҳамқишлоқларининг ишончига кириб, уларни ҳам Қозоғистонга ишга олиб бориб, мўмай ишга жойлаштириб қўйишга ваъда бериб, шу йўл билан текин бойлик орттиришга ҳаракат қилди, ва бу қинғирлиги уни қамоқ сари етаклаб келди.

Маҳкам Жиянов ўтган йилнинг март ойида танишлари Маҳмуд Тўраев ва Алибек Муродовни ўзи билан ҳорижга боришга ундайди

ОДАМ САВДОГАРИ

ҳамда уларнинг ҳар бирига ойига 300-350 АҚШ доллари миқдорида маош олиб беришга ваъда қилади.

Унинг ёлғон ваъдаларига лаққа тушган Маҳмуд Тўраев ва Алибек Муродов Маҳкам билан бирга Қозоғистонга жўнашади. Орадан бир ой ўтиб, яна икки кишини, Ғайрат Тоҳиров ва Ориф Исломовларни чақириб олган Маҳкам уларга ҳам ҳар қайсисига ойига 300-350 АҚШ доллари миқдорида маош билан таъминладиган иш ваъда қилади. У Ғайрат Тоҳиров ҳамда Ориф Исломовларни Қозоғистоннинг Қазикурт божхона постида кутиб

600.000 ДАН ОРТИҚ ФУҚАРОНИНГ РОССИЯГА КИРИШИ ТАЪҚИҚЛАНДИ

«Биз бугунги кунда 600 мингдан ортиқ фуқарога киришни таъқиқлаб қўйдик ва уларнинг аксарияти МДХ фуқароларидир», — дейди ФМС бошлиғи.

Ромодановскийга кўра, 2013 йил мобайнида Россияга жами 17,7 млн. киши келган бўлса, шулардан 12,4 млн. меҳнат мигрантлари ҳиссасига тўғри келади. Бу қонуний ва ноқонуний меҳнат мигрантларининг умумий миқдорини ташкил қилади. Ишлаш учун келганларнинг 40% қонуний асосларда ва қолган 60% эса қонундан ташқари меҳнат қилишмоқда. Шу сабабли ҳам ноқонуний меҳнат қилаётганларга қарши кураш чоралари

кучайтирилган.

Ҳозирда кам таъминланган оилалардан Россияга отланган меҳнат мигрантлари учун қора рўйхат масаласи жиддий муаммога айланган.

Чунки, биргина Тошкент-Москва йўналиши учун қарийб 370 АҚШ долларига билет олган меҳнат муҳожири Москва аэропортидаёқ ортига қайтариладиган бўлса, ўзининг қайтиш билетини олишига тўғри келади. Бу эса энг кам иш ҳақки 35 АҚШ доллари абўлган Ўзбекистон шароитида кам таъминланган оиланинг моддий аҳволини издан чиқариши мумкин.

ЎХХ хабар маркази



олиб, уларнинг паспортларини олиб қўяди. Олиб борган ва чақириб олган шерикларни эса қозоғистонлик Тўлаган ва Малик исмли кишиларнинг шахсий қурилишига ишлата бошлайди. Бу қурилишда Маҳкам Жиянов ўзи иш бошқарувчилик қилади.

ўтказилган тергов жараёни ва суд вақтида у ўз айбига иқдор бўлмасликка уринди. Аммо тўплаган фактлар, далиллар, даъвогарлар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари унинг айбини исбот қилди.

Маҳкам Жиянов тергов даврида жабрланувчиларга етказган моддий зарарнинг бир қисмини қоплади. У ушбу фирибгарлик хатти-ҳаракатлари билан жиноятни содир этганликда айбдор, деб топилди. Унга айбига мос ҳолда суд ҳукмига асосан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Лекин “амнистия тўғрисида”ги Қарорга асосан тайинланган жазо учдан бир қисмига қисқартирилди. Шунингдек, Маҳкам Жияновдан етказилган моддий зарарнинг қопланмай қолган қисми ҳисобидан Ғайрат Тоҳировга 1 162 800 сўм, Ориф Исломовга 387 600 сўм ундирилиш ҳам суд ҳукми асосида белгиланди.

Ганжа Мухсин.



ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҚИРИМ-ТАТАРЛАР ҚИРИМГА ОТЛАНИШМОҚДА

Ўзбекистондаги қирим-татарлари жамоасида Қиримдаги вазият қизгин муҳокама қилинмоқда ва уларнинг кўпчилиги узоқ йўлга тайёргарликни бошлаб ҳам юборишган, деб хабар беради Вести.uz нашри.

«Халқимиз қийин даволарни бошдан кечирди, — дейди 78 ёшли лутфия Зодиева, — даставвал биз Сталиннинг буйруғи билан отабобларимиз юртидан айрилдик, Горбачёв уни бизга қайтариб берди. Лекин бизнинг халқимиз чидамли, меҳнатқаш ва биз ўзлигимизни йўқотмадик».

Унинг сўзларига кўра, ўзи, болалари ва неваралари ўбеклар, қозқлар, руслар, тожиклар ва немислар орасида ўсиб улғайган. «Истаганлар ўқиди, олий маълумо олди ва ўзларини кўрсатишди», — дейди у.

Дарҳақиқат, 70-йилларда партиянинг Жиззах вилояти кўмитасига Социалистик меҳнат қаҳрамони қирим-татар С. Тоиров раҳбарлик қилганди.

Уша вақтда Ўзбекистон раҳбари бўлган Шароф Рашидов айнан унга ўз туғилиб ўсган вилоятини ишониб топширганди.

Нашрнинг ёзишича, қирим-

татарлари Мустафо Чачи ва Анвар Алиев ҳам Социалистик меҳнат қаҳрамони унвонини олишган, яна беш киши эса Ленин орденига лойиқ кўрилган ва бу орденни фахрланиб тақиб юришган. Фавзи Билолов ва Урие Керменчиклилар эса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини олишган.

80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг бошларида қирим-татарларининг оммавий равишда Қиримга кўчишлари бошланди. Бироқ, уларнинг бир қисми — юз минга яқин қирим-татарлари Ўзбекистонда қолишди.

«Кўпчилигимиз СССР замонида туғилганмиз, — ҳикоя қилади 48 ёшли Искандар Аблязов. — Менинг ўзим ҳарбий хизматдан қайтганимдан сўнг қозқ қизига уйландим, болаларимиз рус тилида гапиришади.

Ёшлигимда мен ҳам Қиримга қайтиш иштиёқи билан ёнардим. Кейин Қиримга бордим ва саройларда яшайдиган Жамилов каби «дохий»ларнинг ваьдаларига учган қариндошларимнинг қай ахолга тушишганини кўрдим. Чироксиз, сувсиз, ишсиз деярли ҳорликда яшашмоқда. 20 йил

Украина ҳокимияти остида татарлар учун ҳеч нарса ўзгармабди».

Унинг таъкидлашича Қиримда ашаётган акиси 80 доллар атрофида нафақа олади ва кейинги ойгача амал-тақал қилиб зўрға етказди. «Қирим-татарларининг Симферополдаги «Хизб-ут-Таҳрир» тарафдорларининг митингида қатнашганини телевизорда кўрганимдан кейин Қиримга бормасликка қарор қилдим.

Айниқса ихтиёрий кўчиш дастурига ҳужжат топшириб қўйган болаларимнинг у ёққа бормасликлари керак деган қарорга келдим.

Энди Қирим Россия таркибига кирди, оиламизда депортация ҳақидаги ҳужжатлар сақланиб қолган ва энди қайтса бўлади. Қариндошларимдан бири Узоқ шарқда ишлайди ва у россиядаги қонунлар ва маошлардан жуда кўнгли тўқ, бир неча маротаба мени ҳам ёнига чорлаган.

Аслида шахсан мен Ўзбекистон билан хайрлашишни истамаган бўлардим.

Шу ерда туғилдим, қатга бўлдим, кўпгина дўстлар орттирдим...», — дейди Аблязов.

25 ёшли Артур Эминов ҳам содир бўлган ўзгаришлардан хурсандлигини яширмайди. у яқиндагина бир неча йил ишлаб Россиядан қайтган.

«Бутан шу вақт мобайнида мен Россия паспортини олишни орзу қилганман. У ҳаётда ажойиб имкониятларга йўл очади.

Россия фуқаролигини олиш учун менинг бир қанча уринишларим самарасиз яқунланганди.

Мен Ўзбекистонга қайтишга мажбур бўлдим. Энди эса қутилмаганда омад келд

и — Қирим Россия таркибига кирди. У ёқда бутун хоҳловчиларга бургут рамзи акс этган паспортлар беришмоқда. Мен ҳам шу кунни интизорлик билан кутмоқдаман ва яна мен бу паспортни ўз тарихий ватанимда оламан», — дейди Эминов.

ЎХХ ахборот бўлими

ЎЗБЕКИСТОНДА БИР ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР ЎЛИМИ КЎПАЙДИ

Ўзбекистон Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, 2013 йилнинг январь-декабрида ўлган сони 145 минг нафарни, ўлим коэффициенти эса 4,8 промиллени ташкил этди.

Ўлганлар умумий сонидан 60,4 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 7,7 фоизи —

ўсма касалликларидан, 6,2 фоизи — бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан, 5,9 фоизи — нафас олиш органлари касалликларидан, 5,7 фоизи — овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2013 йилнинг январь-декабрида бир ёшга тўлмаган болалар ўлими сони 6,8 мингтани ташкил қилган. Болалар ўлими коэффициенти 10,5 промиллени ташкил қилди.

Қайд этиш жоиз, 2012 йил

яқунларига кўра, Ўзбекистонда бир ёшга тўлмаган 6,6 минг бола вафот этган эди.

2013 йилда Ўзбекистонда бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 48,6 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 32,2 фоизи — нафас олиш органлари касалликларидан, 7,9 фоизи — туғма аномалиялардан ва 4,6 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

UZBEK.FM

Тошкент меҳмонхоналаридаги чет эллик фуқароларни назоратга олиш бўйича ИИБ турли хил семинарлар ташкил қилишни бошлади. Шулардан бири, Тошкент шаҳридаги «Гранд – Мир» меҳмонхона мажмуасида бўлиб ўтди.

Семинар Ўзбекистон ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати (ХЧК ва ФРБ) ходимлари

меҳмонхоналарда яшаётган чет эл фуқароларини қайдга олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидалари тушунтирилган.

Шу билан бирга, семинар қатнашчиларига чет эл фуқароларини қабул қилиш



ЎЗБЕКИСТОНДА ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР УСТИДАН НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛАДИ

ва пойтахтдаги меҳмонхоналар маъмурияти вакиллари билан биргаликда ташкил этилган.

Семинарда республика ИИБ ХЧК ва ФРБ бўлими бошлиғи, подполковник Қ.Зокиров, Тошкент шаҳар ИИББ ХЧК ва ФРБ бўлими бошлиғи, майор Қ.Йўлдошев ва бошқаларнинг маърузалари тингланган.

Тадбир давомида бизнес соҳаси ходимларига Ўзбекистонга келиб,

тартибига қатъий риоя этилишида мансабдор шахсларнинг масъулиятлари ҳамда бу борадаги қоидаларни бузганликлари учун жавобгар бўлишлари алоҳида айтиб ўтилган. Хусусан, меҳмонхона маъмурлари ҳар куни келувчи чет эл фуқароларини қайд этиб боришлари, Тошкент шаҳар ИИББ манзил маълумот бюросига ҳамда паспорт хизмати бўлинмаларига тегишли маълумотлар, хисоботлар,

бошқа зарур ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этишлари лозимлиги эслатилган.

Тадбир сўнггида республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан паспорт-виза тартиботи бўйича, шу жумладан меҳмонхона ходимлари томонидан содир этилган тартиббузарликлар акс этган тасвир лавҳалари намойиш этилган.

ЎХХ хабар маркази



Nusra.info сайтининг хабар беришича, Россия Федерациясида қамоқдан озод этилган Ўзбекистон фуқароси Юсуф Қосимохунов 2012 йил декабрь ойидан бери дом-дараксиз йўқолган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа маҳкамаси сешанба куни эълон қилинган қарори бўйича, Ўзбекистон фуқароси Юсуф Қосимохуновни йўқолишида Россия Федерацияси томонидан инсон ҳуқуқлари бузилган деб топилди.

Маълум бўлишича, Қосимохунов Ўзбекистондан Россияга 1995 йилда келган. Ўзбекистон ҳуқуқати Қосимохуновни таъқиқланган Ҳизбут-Тахрир ал-Исломиёй

ДОМ-ДАРАКСИЗ ЙЎҚОЛГАН ЎЗБЕКНИНГ ИШИ БЎЙИЧА ЕВРОПА МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ КУЧГА КИРДИ

жамоаси аъзоси сифатида айблаб, қидирув эълон қилган. Шундан сўнг Қосимохунов Россия давлати томонидан 2004 йилда Ўзбекистон сўровига асосан экстрадиция қилиниш учун хибсга олинган.

Россия ҳуқуқати Қосимохуновни террорчилик амалиётларига ёрдам берганликда айблаб, 7 йилга озодликдан маҳрум этган, экстрадиция жараёни тўхтатилган. 2011 йил жазо муддати яқунланган, Россия ҳуқуқати Ўзбекистон сўровига асосан, 2012 йилда

Ўзбекистонга экстрадиция қилиш учун уни хибсда ушлаб қолади.

Қосимохунов, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 3-моддасини (қийноқларни таъқиқлаш) инobatга олган холда, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа маҳкамасига мурожаат қилади. У ўз мурожаатида экстрадиция оқибатида Ўзбекистон ҳуқуқати томонидан ғайриинсоний қийноқларга солиниши мумкинлигини таъкидлайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Россия ҳуқуқатига суриштирув ишлари яқунлангунгача

экстрадиция қарорини тўхтатиб туришни тавсия қилади. Суриштирув ишлари яқунига кўра, 2012 йили Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа маҳкамаси Юсуф Қосимохуновни Ўзбекистонга экстрадиция қилишни тўхтатиш ҳақида қарор чиқаргач, Юсуф Қосимохунов хибсдан озод этилади.

Шундан сўнг Қосимохунов дом-дараксиз йўқолган ва бугунгача унинг тақдири номаълум қолаётир.

UZBEK.FM



Илк мўминлар ва ҳижрат

Аллоҳу Таоло Иброҳим алайҳиссаломга Ҳазрати Ҳожар билан Исмоил алайҳиссаломни Байтул-Ҳарамга олиб боришни ваҳий этди (246).

Аллоҳу Таоло Исмоил алайҳиссалом учун Байтул Ҳарамни тайёрлаганини ва у ерни унинг қўли билан бино қилишни тақдир этгани ва у ердаги сувни ҳам унинг учун окизишини билдирди (247).

Иброҳим алайҳиссалом Бурокка минди. Икки ёшидаги Исмоил алайҳиссаломни олди, Ҳазрати Ҳожарни эса орқасига миндирди (248). Буроқ эшак билан хачир ўртасида катталиқдаги бир минак (улов) бўлиб, иккита қаноти бор эди ва ҳар одими кўз қараши етган масофага бориб тушарди.

Бу саёҳатда Жаброил алайҳиссалом ҳам уларга йўлдош эди. Иброҳим алайҳиссаломга Байтуллоҳнинг жойини ва чегараларини кўрсатиб берарди.

Иброҳим алайҳиссалом қишлоқ ва шаҳарлар узра учаркан, “Эй Жаброил, шу ерга тушиш буюрилдими?”, деб сўрар (249) ва сувли водий кўрганда “Эй Жаброил, шу ерга ин!”, дея сасланар эди.

Жаброил алайҳиссалом эса:
- Йўқ, — деб жавоб берарди (250).

Ниҳоят Маккага келдилар.

Жаброил алайҳиссалом:

- Ин, ё Иброҳим! — деди.

Иброҳим алайҳиссалом:

- Бу ерда на дехқончилик, на-да чорвачилик қилиш мумкин, — деб жавоб берди.

- Ҳа, шунақа. Аммо бу ерда сенинг ўғлинг уруғидан Уммий

Пайғамбар чиқажак ва Калиматул-Улё у билан тамомланажакдир, — деди Жаброил алайҳиссалом (251).

У замонлар Макка салам ва самур деб аталадиган катта-кичик тиканли дарахтлар ўсган, чакалакзор қоплаган бир ер эди. Макканинг атрофида ва ташқарисида Амолика дейилган бир жамоат яшар эди. Байтуллоҳ (Каъба) ўрни ҳам у пайтда қизил тупроқли, кесакли (252), дўнг бир ер эди. Гоҳ-гоҳ келган сел бу ернинг атрофини ўйиб, олиб кетганди (253). Иброҳим алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломдан:

- Сенга буларни бу ерга ташлаб кетишим кераклиги айтилдими?, — деб сўради.

- Ҳа, — деди Жаброил алайҳиссалом (254).

Иброҳим алайҳиссалом Ҳазрати

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (10).

Ҳожар ва Исмоил алайҳиссаломни бутун Масжиди ҳаром турган жойнинг юксак ерида, Замзам қудуғининг юқорисида бир катта дарахт остида қолдирди (255).

Ва Ҳазрати Ҳожарга бир соябон ясашни ҳам амр қилди (256).

У пайтлар Макка кимсасиз эди, ҳатто ичишга суви ҳам йўқ эди.

Иброҳим алайҳиссалом она ва ўғлини шу ерда қолдирди ва Шомга қайтиб кетиш учун, йўлга тушди. Ҳазрати Ҳожар Иброҳим алайҳиссаломнинг орқасидан сасланди:

- Эй Иброҳим, бизни бу кимсасиз водийга ташлаб қаёққа кетяпсан? Бу Шундай бир водийки, на гаплашадиган бир одам, на-да бошқа бир зот бор, — деди (257).

Ҳазрати Ҳожар бу саволини такрорласа ҳам, Иброҳим алайҳиссалом унга қайрилиб қарамади.

Шунда Ҳазрати Ҳожар :

-Ёки бизни бу ерда қолдиришни Аллоҳ буюрдими?, — деб сўради.

-Ҳа, Аллоҳ амр этди, — деб жавоб берди Иброҳим алайҳиссалом.

Ундай бўлса, Аллоҳ бизга етар. У бизни зое этмас, ҳимоясиз қўймас, — деди Ҳазрати Ҳожар.

Иброҳим алайҳиссалом Макканинг чет тарафидаги Сания мавқеигача борди. Ҳазрати Ҳожар ва ўғлига кўринмайдиган бир ерда туриб, юзини бугун Каъба турган жойга қаратиб, қўлларини кўтарди:

- Эй Роббимиз, мен зурриётларимдан бир қисмини сенинг муқаддас бўлган уйинг ёнида, намозларини тўғри адо

этсинлар дея, экинсиз бир водийга ерлаштирдим. Сен инсонлардан бир қисмининг кўнгилларини уларга майл эттир. Шукр этишлари учун уларни баъзи мевалар билан ризклантир (Иброҳим, 37), дея Аллоҳга дуо этди (258).

Кейин Шом тарафдаги оиласи ёнига қайтди (259).

Замзамнинг чиқиши

Ҳазрати Ҳожар Исмоил алайҳиссаломни дарахт соясига ётқизиб, сув мешини бир шоҳга осди (260). У Исмоил алайҳиссаломни эмизиб, мешдаги сувдан ичирарди (261). Мешда сув тугаб, ўзи ҳам, Исмоил алайҳиссалом ҳам сувсади (262). Сув тугаган пайтда Ҳазрати Ҳожарнинг сути ҳам кесилди. Исмоил алайҳиссалом очикқанди, уни кўриб, онасининг очлиги ҳам

кучайди.

Ҳазрати Ҳожар ўғлининг очлик (263) ва сувсизликдан чирпинаётганига қараб турарди (264). Болани “ўлапти” деб ўйлаб, қайгуга тушди. “Унинг ўлимини кўрмайин, ундан узоклашай”, деди ўз ўзига (265). Фарзандининг аламли ахволига қарашга чидай олмай, унинг ёнидан узоклашди (266)

“Энг яқин тепа қайсиниси?”, деб атрофига боқди (267), энг яқин тепа Сафо тепаси эди. Унинг устига чиқиб, водийга қараб, қотиб турди. Бир товуш эшитмак истади, бирор кимсани кўрмак умиди ила қаради. Аммо на бир сас эшита олди, на-да бир кимса кўринди (268).

Сафо тепасидан чошиб водийга тушди ва этакларини чирмаб, худди мушқил бир иш бошига тушган инсон каби чошиб, қаршидаги Марва тепасига чиқди. У ерда ҳам атрофга жовдираб боқди, ҳеч кимни кўра олмади (269).

Ҳазрати Ҳожар Сафо ва Марва орасида бориб-келиб туриши очликдан ўлаётган боласини кўрмаслик учун ва бирор кимса ёрдамга келармикан, деган умид ила қилинган ҳаракатлар эди.

Ҳазрати Ҳожар бу аснода Исмоил алайҳиссаломнинг ёнига икки марта борди ва ўғлининг ҳали ҳам жон талоши ичида кўриб, ниҳоятда маҳзун ҳолда Сафо тепасига чиққанди (270).

Шу тарзда Ҳазрати Ҳожар Сафо ва Марва орасида етти карра бориб келганди (271).

(Давоми келгуси саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Пайғамбаримиз алайҳиссалом “Шу боис, инсонлар Сафо ва Марва орасида шунча бориб келадилар”, — дея буюргандир (272). Ҳазрати Ҳожар сўнгги кез Марва тепасига чиққанда бир сас эшитди ва ўз-ўзига “жим бўл ва тингла!” деди. Кейин диққат билан тинглади. Бу сасни яна бир марта эшитди (273). Бу бир инсон овозига ўхшарди (274).

- Эй овоз соҳиби, сасингни эшиттирдинг, агар сен ёрдамга қодир эсанг, бизга ёрдам эт! (275)

- Эй Аллоҳим, бир сас эшиттирдинг, имдодимга ҳам етиш! Етишмасанг, мен ҳам, болам ҳам ҳалок бўламиз, — дея ёлворди (276) Ҳазрати Ҳожар. Ва шу онда Замзам қудуғи ўрнида бир Малак (Жаброил) кўринди (277). Жаброил алайҳиссалом Ҳазрати Ҳожарга:

- Сен кимсан?, — деди

- Мен Иброҳим (алайҳиссалом) нинг бу ерга ташлаб кетган завжасиман, у ердаги бола эса менинг ўғлим, — деди Ҳазрати Ҳожар.

- Иброҳим сизларни кимга омонат топширган эди?, — деб сўради Жаброил алайҳиссалом.

- Иброҳим бизларни Аллоҳга омонат этганди, — деди Ҳазрати Ҳожар.

- У сизни энг шарафли, энг қарамли ва энг етарли Роббга омонат этибди, — деди (278) ва оёғининг ўкчаси билан ерни тепди ва у жойдан сув қайнаб чиқа бошлади.

Ҳазрати Ҳожар сув исроф бўлмасин деб қўллари билан тупроқдан кичик девор ясаб, иккинчи тарафдан мешини сувга тўлдирди бошлади. Сув эса адо бўлмас, ердан қайнаб чиқишда давом этарди (279).

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: “Аллоҳ Исмоилнинг онаси Ҳазрати Ҳожарга раҳмат айлосин, агар у сувни ҳовучламасайди, Замзам бир булоқ эмас, оқар сув бўлар эди”, деганлар (280).

Ҳазрати Ҳожар бу сувдан ичди, сути келди ва боласини эмизди (281).

Малак (Жаброил) Ҳазрати Ҳожарга:

- Зое ва ҳалок бўламиз деб асло қўрқманглар. Мана шу ер Байтуллоҳнинг ўрнидир. Байтни шу бола билан унинг отаси иншо этажақдир. Муҳаққақдирки, Аллоҳ бу ишнинг аҳлини зое этмаяжак!, — деди (282).

Муҳим изох

Мартин Лингс тарафидан ёзилиб, “Очилган Сийрат Китоблари” мусобақасида Покистон ҳукуматининг мукофотиغا сазовор бўлган “Ҳазрати Муҳаммаднинг ҳаёти” асарининг туркча таржимасида (8-9 саҳифа) “Ҳожар ва Исмоилнинг Маккага қандай келгани ҳақида билги йўқ. Улар бирорта қарвон билан борган бўлишлари мумкин. Чунки водийдан катта қарвон йўли ўтарди”, каби мажҳул ифодаларни ўқиб, ҳайратландик.

Ҳазрати Ҳожар билан Исмоилнинг Маккага келиши ҳақида Мартин Лингснинг ҳайрон қолдиришга етарли даражада кўп билги ва хабар мавжуд. Биз бу билгиларни ўқувчиларимизга мўл-мўл тақдим этдик.

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (10).

Тадқиқот ишлари осонлашган бир даврда бундай фараз ва эҳтимолларга ўрин қолдирмаслик лозим.

Журхумларнинг Ҳазрати Ҳожарга қўшни бўлиши

Ҳазрати Ҳожар у ерда экан, Шом тарафдан (283) Журхум жамоатидан бир гуруҳ (284) Кадо йўли билан Макканинг қуйи тарафига яқинлашганда, бир қушнинг у ерларда айланганини кўриб:

- Бу қуш айланаяпти, демак бу яқинда сув бўлса керак, аммо биз бу водийда сувнинг йўқлигини биламиз-ку? — деб ҳайрон бўлишди. Кейин бир-икки кишини ўрганиш учун жўнатдилар. Улар сувни топишди ва жамоатига хабар бердилар. Журхумлилар сув ёнига келганларида, сувнинг бошида Исмоил алайҳиссаломнинг онаси Ҳазрати Ҳожар ўтирганди (284). Журхумлилар Ҳазрати Ҳожарга салом бердилар, у ҳам алик олди.

- Бу сув кимники? — деб сўрашди келганлар.

- Меники, — деди Ҳазрати Ҳожар.

- Бу атрофда қўноқласак, бизга изн берасанми?, — деб сўрашди Журхумлилар.

- Шу сувга эгалик иддаосида бўлмаслик шарти билан бу атрофга қўноқлашингизга қарши эмасман, — деди Ҳазрати Ҳожар.

- Бўпти, — дейишди Журхумлилар.

Кўришиб — гаплашадиган одамларга муҳтож бўлганидан, Ҳазрати Ҳожар учун Журхумлилар

унинг истагига уйғун эди.

Журхумлилар у ерда қўниб, оилаларига хабар йўлладилар. Оилалари келиб уй ва барк соҳиби бўлдилар (287).

Улар катта дарахтлар устига чодир ёпиб, бошпана иншо этдилар. Она-ўғил ҳам бу соя остида ўтирадиган бўлдилар (288). Шундай қилиб, Макканинг илк аҳли Журхумлилар бўлди (289).

Исмоил алайҳиссалом вояга ета бошлади, Журхумлилар уни жуда яхши кўришарди (290).

Макка

Макка Арабистон ярим оролида бўлиб, Птоломейга кўра, Мағриб жиҳатидан 78 тул, 23- ва ёки 21- арз даражасида, Сурайё юлдузининг туғилгани — Саратон нуқтасининг остида ва 2- иқлимда ерлашгандир.

Макка ва Бакка исмлари ва буларнинг маънолари

Қуръони Каримда Макканинг номи бир марта Макка, иккинчи марта Бакка дея ёзилади:

“Ва у Аллоҳдирки, уларнинг (мушрикларнинг) қўлларини сиздан, сизнинг қўлларингизни эса улардан Макка водийсида (узоклаштирди) тортирди” (292).

“Шубҳа йўқки, инсонлар учун таъсис этилган илк байт Баккадаги муборак ва оламлар учун хидоят бўлган Байтдир” (293).

Макка ва Бакка номларининг имло ва талаффуз фарқларига қарамасдан айна ерга берилган ном эканини таъкидлаганлар кўп. Ва Макканинг Ҳарам худудлари билан бирга бутун бўлгани ўз ичига олган жой номи эканини эътироф этганлар ҳам бор (294).

Маккага гуноҳларни йўқ қилиши ва озайтиргани, зулм этганларни ҳалок этгани (295), зўравон ва золимларнинг бўйинларини синдиргани (296), кибр ва гурурларини (297) йўқ этгани учун ҳам Макка номи берилгандир (298).

“Қомус” таржимони Осим Афанди “Макка” бўлимини шу сўзлар билан тамомлайди: “Муаллифнинг “Басоир” да баънига кўра, беш важиҳ муҳтамалдир: ерда сув оз бўлгани сабабли ердан сувни оғизлари билан эмиб чиқарадилар, маъносида. Сониян: Макка эммак — сўрмоқ

маъносида, инсонни ўзига қараб тортади, сўради, жазб этади, маъносида.

(Давоми келгуси сонда)



2013 ЙИЛДА 520 ЎЗБЕК СИЁСИЙ БОШПАНА СЎРАГАН

БМТнинг Қочқинлар бўйича Олий Комиссарлиги бошқармаси (UNHCR) тайёрлаган маърузага кўра, дунёда энг кўп сиёсий қочқинлар Суриядан, сўнгра Россия ва Афғонистондан, улардан кейин Ироқ ва Сербиядан.

UNHR маълумотларига кўра, 2013 йил мобайнида дунёнинг 44 та ривожланган давлатига қочқинлик мақомини сўраб мурожаат қилганлар сони кескин ошган, бу асосан Суриядаги уруш билан боғлиқ албатта. Мурожаат қилганлар сони 2013 йили 612.700 кишини етган ва 2012 йилга нисбатан 28% га ошган. Бу 2001 йилдан бери энг юқори кўрсаткичдир.

Шундан Европа давлатларидан

қочқинлик мақомини сўраб мурожаат қилган фуқаролар сони 484.600 кишини ташкил қилади. 2012 йилда Европа давлатларида бу кўрсаткич 368.400 кишини ташкил этганди.

2011-2012 йилларда мазкур рейтингда Афғонистон етакчилик қилган бироқ, 2013 йил Россия ва Сурия олдинга чиққан. UNHCR маърузасида айтилишича, 2013 йил қочқинлик мақомини сўраб мурожаат қилганлар биргина Суриядан 56.351 кишини ташкил қилган. Бу кўрсаткич Россия фуқароларида 39.779, Афғонистон фуқароларида эса 38.653 кишини ташкил қилади.

Рўйхатни дастлабки беш

давлатдан кейин Эритрея, Сомали ва Покистон давом эттиради. Бундан ташқари, Эрон ва Хитой ҳам рўйхатнинг дастлабки ўнталигидан жой олган.

Қочқинлик мақомини олганлар сони мансуб бўлгани давлатига кўра фарқ қилади. Масалан, Сурия, Эритрея, Ироқ, Сомали ва Афғонистон фуқароларида бу кўрсаткич фоиз ҳисобида 62-95% ни ташкил қилади. Россия Федерацияси ва Сербия фуқароларининг имкониятлари эса 28-5% атрофида.

2013 йили қочқинлик мақомини сўраб мурожаат қилувчи россияликлар сони 2012 йилга нисбатан 76%га ошган. Уларнинг аксарияти Германия ва Польшага мурожаат қилган.

Марказий Осиё давлатларидан 2013 йилда 1.089 фуқаро қочқинлик мақоми учун мурожаат этган. Улардан энг кўпи – 520 нафари ўзбекистонлик. Қирғизистонликлар – 476, козоғистонликлар – 93 нафар.

Ўзбекистонлик қочқинларнинг 64,5% дан ортиғи (335 киши) АҚШ ва Канада, қарийб 35% (181) Туркия, 1%дан камроғи Латвияда бошпана сўраган.

Қирғизистонликларнинг 418 нафари АҚШ ва Канада, 53 нафари Польша, 5 нафари Лихтенштейнда қолишни афзал билган.

Қозоғистонлик қочқинлар АҚШ ва Канадага умуман бормаган: 76 нафари Польша ва 17 нафари Чехияда қолган.

ЎХХ хабар маркази

“Мигом” тўлов тизимидаги муаммолар сабабли, Ўзбекистонда 1 апрелдан бошлаб халқаро пул ўтказиш тизимлари билан ишловчи банкларга нисбатан талаблар кучайтирилади. Ўзбекистон Банклар Ассо-циацияси вакилининг сўзларига кўра, барча тўлов тизими операторлари ўзларининг ишончли ва барқарорлигини тасдиқловчи

учун 31 мартгача бажарилиши лозимлиги белгиланган. ЎБА вакили ўрнатилган янги талаблар биринчи навбатда жорий йилнинг февраль ойида “Мигом” тўлов тизимининг тўхтаб қолиши билан боғлиқлигини таъкидлайди.



ЎЗБЕКИСТОНДА 1 АПРЕЛДАН ПУЛ ЎТКАЗУВЧИЛАРГА ТАЛАБ КУЧАЙТИРИЛАДИ

халқаро рейтинг агентликларида ўз рейтингига эга бўлишлари лозим.

Вакилнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қарорига кўра маҳаллий ҳамкор банкларда халқаро валютада ўз суғурта депозитларини очишлари лозим.

Суғурта депозитларининг энг кам миқдори эса бир кунлик пул ўтказмаларини қоплайдиган ҳажмда бўлиши керак. Қарорда мазкур талабларнинг бажарилиши

“Мигом” тўлов тизимидаги муаммолар куз бошларида Россия Марказий Банки томонидан унинг асосчиси бўлган “Евростат” банки лицензиясини олиб қўйиши билан бошланганди. Утган йил охирига келиб тизим нафақат Россия, балки Украина, Тожикистон ва Ўзбекистонда ҳам узилишлар билан ишлаб бoшлади.

Шу йилнинг 11 февралда “Евростат” банки ўз лицензиясидан маҳрум бўлгач “Мигом” фаолияти

бутунлай тўхтади. Россия Марказий Банки суд орқали “Мигом” ЕАЖ ни банкрот деб тан олинишини талаб қилмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистонда 15та пул ўтказиш тизимлари фаолият юритади. Россия Марказий Банки берган маълумотга кўра 2013 йил якунига кўра россиядан шахсий пул ўтказмалари бўйича Ўзбекистон етакчилик қилган. Утган йил мобайнида Россиядан Ўзбекистонга жами 6,7 млрд АҚШ доллари миқдоридан пул ўтказилган. Бу 2012 йилги кўрсаткичга нисбатан 17,5% га кўпдир.

UZBEK.FM

ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЯТ ВА МАДАНИЯТНИ ТАДБИҚ ЭТГАН

20-март куни Озодлик радиосининг расмий сайтыда «Тошкентда Россиянинг мустамлака тарихини кўкка кўтариш ҳаракати бошланди» деб номланган мақолани ўқиб қолдим. Албатта бу ўзбек халқининг ва қолаверса Урта Осиё мусулмон халқлари учун ҳам ўта жиддий фожианинг бошланишига шақ-шубҳасиз урғу бермоқда.

Урта Осиёнинг ўтган тарихий даврига назар ташлайдиган бўлсак, чор Россия империя истилосидан аввал ва сўнгра аслида Урта Осиё халқларининг ижтимоий маънавияти, маданияти ва ҳаёти қандай бўлган ва бугун қандай бўлмоқда. Гап шундаки Урта Осиё барча халқлари чор Россия империяси истилосидан сўнгра маънавият инқирозига юз тутди, яъни ўзининг ҳақиқий дини Ислоҳ динини, урф-одатларини, тилини буткул унуттаёзди.

Бугунга келиб Урта Осиё республикалари муस्ताқил бўлгандан кейин, президентлари ўз халқига нисбатан агрессив сиёсий режимини жорий эта бошлагани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Хўш, бир бор чуқурроқ ўйлаб кўрингчи чор Россияси Урта Осиё халқлари учун ўзига мос ва хос бўлган ижтимоий ҳаётига қандай маънавият ва маданиятни сингдирди?

Халқларнинг моддий, маданий меърослари ва бойликлари талон-тароҳ қилинди, ўзидан чиқаётган моддий бойликларига эгалик қила олмади. Эҳтимол орангизда шундай ўйлайдиган ва айтадиганлар ҳам бор, қорнимиз тўқ, устимиз бўд, иш ўринлари бор ва ҳаказо эди деб. Ҳа албатта шундай эди. Лекин юқоридаги сўзларимга булар тўсиқ бўла олмади.

Шуни асло унутманг Урта Осиё халқининг тарих кўзгусида мозийга бир назар ташлайдиган бўлсак, чор Россия империяси Урта Осиё халқлари учун маънавиятни ва маданиятни тадбиқ этмаган.

Аксинча Урта Осиё халқларининг дунё илм-фани тараққиёти ривожига улкан хизмат қилган бобоқалонларимиз Аҳмад Яссавий, Ат-Термизий, Ал-Фарҳоний, Ал-Беруний, Ибн Сино, Садридин Айни, Ал-Хоразмий, Амир Темур, Ал-Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошка шу каби муътафаккур зодлар неча асрлар аввал яшаб дунё илм-фанига улкан хизмат қилиб ижод этганлар!

Ўзбек ўғлони

Ўзбекистондаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати сайтыда эълон қилинган хабарда айтилишича, «Шовот» қурилиш ва сервис касб-хунар коллежида «Диний экстремизм ва терроризм» бўйича ёшлар билан давра суҳбати ва тарғибот тадбири ўтказилган.

Тадбирга 150 нафар ёшлар жалб этилди, унда «Камолот» Шовот тумани раиси С.Қурбонов ёшлар билан очик мулоқот тарзида суҳбат ташкил қилди. Тадбир давомида

ОБИДХОН ҚОРИГА ҚАРШИ ФИЛЬМ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАКРОР НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

коллеж ёшлари учун «Хунрезлик» номли махсус ҳужжатли фильм намоийш этилди, дейилади яна хабарда.

Эслатиб ўтамиз, «Хунрезлик» номли фильм Ўзбекистондаги ва хорижга ҳижрат этишга мажбур бўлган мусулмонларга қарши тарғибот фильми бўлиб, 2010 йилда илк маротаба ЎЗМТРК «Ўзбекистон» канали орқали намоийш этилганди. Фильм мазмуни, асосан, Тошкентдаги «Тўхтабой» масжиди собиқ имоми, кейинроқ Швециядан сиёсий бошпана олган таниқли уламо

Обидхон Қори Назаровга қарши қурилган.

«Хунрезлик» фильми намоийшидан бир муддат сўнгра Швецияда Обидхон Қорига суиқасд уюштирилди, тергов олиб борган идоралар бу жинойтда Ўзбекистон махсус хизматлари қўли борлигини аниқлади.

Бир неча кун олдин эса бу суиқасд ҳақида салкам ярим соатлик «Диктаторнинг узун қўли» номли ҳужжатли фильм «Ал-

Жазира» фазовий канали орқали бутун дунёга намоийш этилди. Фильмда бу жинойтга буюртма берган ва уни молиялаштирганлар, суиқасдни амалга оширган, унга ёрдам берган шахслар ҳаммаси аниқ далиллар билан фош этилди.

Ўзбекистонда эса ёшларни тўплаб, ўша эски «Хунрезлик»ни намоийш этиш — мусулмонларга қарши қоралаш сиёсати хали ҳам тўхтамагани, балки, сўнги сиёсий жараёнлар асносида, яна-да кучайганини кўрсатади.

ЎХХ хабар маркази

ЎРТАЧИРЧИҚ СУДЬЯСИ ПОРА БИЛАН УШЛАНДИ

Шу йилнинг 27 март, пайшанба куни соат эрталаб соат 10 ларда Тошкент вилоятининг фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро суди судьяси А.Абилов ўз иш жойида пора олаётган вақтда МХХ ходимлари томонидан қўлга олинган. Ушланган пайтда А.Абилов ўз «мижоз»идан 250.000 сўм (100 АҚШ доллари) миқдоридан пора олаётган бўлган.

Ҳозир мазкур иш МХХ назоратига олинган.

Маълумки, судьяларнинг пора билан ҳибс этилиш ҳолатлари Ўзбекистон воқелигида кўп учрайди. Мутахассислар буни Ўзбекистондаги судьяларнинг ижтимоий жиҳатдан етарлича ҳимоя қилинмаганлиги билан изоҳлайди.

Бундан бир муддат олдин, 2012 йилнинг 2 августида «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинганди. Мазкур ҳужжатни қабул қилиш орқали суд тизими ходимларини

моддий жиҳатдан рағбатлантириш (пора олиш) амалиётига чек қўйиш назарда тутилган. Шу мақсадда судьяларни даромад солиқларидан озод қилиш ва уларга узок муддатли уй-жой кредитлари бериш билан бир қаторда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди судьяларининг ҳар ойда ойлик маошларининг 50% миқдоридан устама ҳақлари тўланиши белгилаб қўйилганди. Бироқ, ҳозиргача мазкур рағбатлантириш чоралари ҳам ўз судьяларнинг пора олиш амалиётини камайишига олиб келмади. Хусусан, 2013 йилнинг 28 декабрь куни жинойт ишлари бўйича Бухоро вилоят суди судьяси Дилфуза Ризаева ҳам пора олиш чоғида ҳибсга олинганди.

Ундан бир неча кун олдин эса, Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро судининг судьяси Фахриддин Жуманазаров ҳам қатта миқдорда пора олишда айбланиб МХХ тарафидан Қарши шаҳридаги Пахтазор туманида қўлга олинган.

Манба: uzxalqharakati.com

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Гулчеҳра Нуруллаева (шоира): «70-йилларнинг охирларида ўзбек адабиётига бир гуруҳ истеъдодли ёшлар кириб келди. Уларнинг етакчиси Муҳаммад Солиҳ эди. Муҳаммад Солиҳнинг шеърлари ўзига хос, ҳеч кимни эслатмайдиган, оҳорли, катта бир янгиликка эга бўлган шеърият эди. Уни тушунганлар бўлди, тушунмаганлар бўлди. Тушунганлар уни олқишлашди,

ва инсонларга муносабати билан мақталган бир арбоб эди. Адабиёт бу пайтлар бир кризис ичида эди. Бу даврда Муҳаммад Солиҳ Рауф Парфидан кейин келган авлоднинг етакчиси сифатида майдонга чикди. Муҳаммад Солиҳ ўзбек адабиётида интеллектуал шеъриятнинг муҳим вакилидир. Бугун нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Туркистонда ҳам Муҳаммад Солиҳ ижоди

Муҳаммад Солиҳ ўз юртидан қувилди ва айнан Чўлпон каби шеърлари ўз ватанида таъқиқланди.

«Озодлик» радиоси (2005 декабрь):

«Муҳаммад Солиҳ китоблари Ўзбекистонда сотувда бўлмасаям керак, кутубхоналардан йиғиштирилган бўлсаям керак. Шахсан мен ўзим бирон китоб дўконида, ёки кутубхоналарда кўрганим йўқ. Лекин менинг ўзимда Муҳаммад Солиҳнинг бир-иккита китоблари бор».

Анорхон Ҳамдамова:

«Бугунги кунда кутубхоналарда йўқ. Мана ўзим гувоҳи бўлганман. Туман халқ таълими бўлимида китобларини аянчли аҳволда ётиб чириётганига гувоҳ бўлдик. Кейин бир укамиз шаҳарга келганида, бир ерда ажратиб олиб ташлашаётган экан. Кейин илтимос қилиб, «Орзу фукароси» китобини (90-йилда чиққан) 20 тачасини ололган, ўн тачасини биз олганмиз».

Биз билан суҳбатда шоир Рауф Парфи:

«Ўзбек адабиётининг XX аср тарихи Муҳаммад Солиҳсиз у ўзбек адабиёти бўлмаслигини билган ҳолда ҳам у ҳақда лом-мим дейилмайди».

Бошловчи: Аммо шоир сифатида Муҳаммад Солиҳ 1983 йилда машҳур бўлди. Бунга сабаб танқидчи Иброҳим Ғафуровнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Солиҳга қарата ёзилган «Шеърингизни тушунтириб беринг» номли мақоласи бўлди. Танқидчи ўз мақоласида Солиҳ шеъриятидаги лирика ҳаётини Гамлетга ўхшатди. «Бу одамга ўзи нима етишмаяпти, доим (Давоми келгуси саҳифада)

ҚУРОЛСИЗ КИШИНИНГ ОЗОДЛИГИ (Хужжатли фильм сценарийси)

тушунмаганлар «Шеърингизни тушунтириб беринг» деган истеъдодли савол билан унга муружаат қилишди».

Бошловчи: Дунёда таниқли концептуалист рассом, турғунлиқ йилларида Абдулхамид Сулаймон Чўлпон портретини чизишга журъат этган мусаввир Вячеслав Ахунов шундай хотирлайди: «Во второй половине семидесятых годов я неожиданно для себя открыл удивительного поэта. Это были стихи очень метафоричные, не свойственные для узбекского поэтического поля, это было что-то новое. Со временем я познакомился с этим поэтом. Им оказался Муҳаммад Салиҳ».

Ориф Ожал (Озарбайжон президенти А.Элчибеининг маслаҳатчиси, Билги Университети доценти):

«Муҳаммад Солиҳ у пайтларда анча ёш эди, аммо ёш бўлишига қарамай, Ўзбекистон ташқарисида танилган икки-уч адибнинг бири эди. Москва, Украина, Болтиқбўйи адабиёт ва санъат аҳлининг ҳурматини қозонганди. Нафақат адиб сифатида, балки ўз шахсияти билан, тарих ва фалсафа билими билан, ижтимоий позицияси

таъсирида бўлган, унинг йўлидан боришни истаган ёш адиблар талайгина».

Бошловчи: Муҳаммад Солиҳ 1985 йилдаёқ жадид Абдулхамид Чўлпонга бағишланиб, бир онанинг тилидан ёзилган шеърида шундай дейди:

Онамнинг деганлари

Сен ҳам шу йўлдан

кетдинг-а, болам,

Қайт, дедим, қайтмадинг,

энди кеч, э-воҳ!

Ром этди сени ҳам

шубҳали оҳанг,

Ром этди юртидан

ҳайдалган арвоҳ.

Ахир ўша йўлдан

кетдинг-ку ахир,

Энди гуллар эмас,

тикон босгайсан,

Сен ҳам арвоҳ янглиғ

юргайсан фақир,

Ўз тилингни сен ҳам

шифтга осгайсан.

Ўшал эски йўлдан

кетдинг-ку болам,

Қўрқмай тикилдинг-а,

қоронгу зорга –

Эй воҳ, бошгинангни

урарсан сен ҳам,

Арвоҳ бошин урган

ўшал деворга.

1985 йил ёзилган бу шеър 1993 йилда реал воқеъликка айланди.

(Давоми: Боши олдинги саҳифада) ғамгин, доим тушқун кайфиятда, бу нурафшон ҳаётимизда унга нима етишмаяпти?», дея танқид қиларди. Бу мақола Солиҳни совет тузумидан норози кўрсатиш учун етарли эди. Бу мақола билан Муҳаммад Солиҳнинг диссидентлик даври бошланди.

СИЁСАТ

Бошловчи: 1984 йил
Ўзбекистон Компартияси
Марказий Қўмитасининг
сиёсати ўзбекларни миллат

ҚУРОЛСИЗ КИШИНING ОЗОДЛИГИ

(Хужжатли фильм сценарийси)

сифатида синовдан ўтказди. Москванинг кўрсатмасига асосан Ўзмарказқўм халқимизнинг миллий, маданий ва диний кадриятларига қарши ҳужумга ўтди. Шундай хавотирли даврда «53 лар мактуби» номини олган мактуб пайдо бўлди. Бу Ўзбекистонлик 53 нафар ёш ва истеъдодли шоир ҳамда ёзувчиларнинг Сиёсий Бюро аъзоларига йўллаган норозилик мактуби эди.

Хатда Ўзмарказқўмнинг халққа қарши сиёсати ҳақида сўз юритилганди. Мактуб Кремлга 1985 йилнинг бошларида жўнатилиб, унга жавоб май ойида – яқинда ишга келган Горбачёв маъмуриятдан келди. Лекин жавоб шикоятчиларга эмас, балки Ўзмарказқўм котибасига келганди. У исёнкор ёш ёзувчиларни Марказий Қўмитага тўплаб, уларни «тўғри йўлга ўтиш»га ундади, лекин унинг бу ҳаракатлари самарасиз қолди. Фақат уч кишигина уз имзосидан воз кечди. Лекин хатга имзо чеккан 56 кишидан 53 нафари ёзганларидан тонмадилар. Ана шу жасоратли

53 киши Ўзбекистоннинг келажакдаги Миллий Озодлик ҳаракатига асос солди. Ўзбек мухолифати мухолифат номини олмай туриб, Муҳаммад Солиҳ раҳбарлик қилган Ёзувчилар уюшмасида тузилди. «53 лар мактуби»нинг матни Муҳаммад Солиҳ томонидан ёзилганди. Шу сабабли, Ўзмарказқўм котибасининг тузган «қора рўйхат»да ҳам Муҳаммад Солиҳ биринчи ўринда турарди.

Лекин Солиҳни бу тўхтата олмади. У Ўзбекистон

экологиясини яхшилаш учун жонбозлик курсатаётган Эмин Усмон, Дадахон Нурий каби фидокор ёзувчилар сафига қўшилиб, қуриётган Орол ва ўзбек аёлининг соғлиги муаммолари хусусида қатор ўтқир чиқишлар қилди.

А.Исмоил: «Муҳаммад Солиҳнинг ўзбек адабиётига қўшган улуши, ҳиссаларидан яна биттаси – у мунозара жанри, публицистика жанрини жуда катта чўққиларга кўтарган бир адибдир. Айниқса, мунозара жанрида 80-йилларда чиққан мақолалари, 90-йилларда чиққан мақолалари, қолаверса, охириги йиллар чиққан мақолаларида у мунозара жанрини, ўз рақибига нисбатан сўзларни ишлатиш жанрини жуда мохирона, Фитратнамо йўлда ишлатади ва, балки, юқори-юқори чўққиларга элтади».

Гулчехра Нуруллаева: Муҳаммад Солиҳдай шахснинг янги кирралари очила бошлади. У энди жуда катта биристеъдодли публицист сифатида майдонга чиқди. У ўзбек жамиятининг жуда кўп муаммоларини

минбарларда кўтарди, ўзининг мақолаларида кўтарди. Улар ҳақида куйиб-пишиб, асосли, мантиқли фикрлар юритди. Бу билан у ўзбек халқига яна-да яқиндан таниш бўлди».

Бошловчи: Муҳаммад Солиҳга бу қадар катта шуҳратни ҳатто ғарб услубидаги шеърлари ҳам келтирмаганди.

Бахтиёр Исобек (адабиётшунос): «Муҳаммад Солиҳнинг ўз ўрни, ўз ажралиб турадиган хусусияти нимадан иборат деса, мен айтардимки, ҳақиқий шоир учун зарур бўлган метафорик фикрлашдир. Бир пайтлар Муҳаммад Солиҳни тушуниш қийин деганларида, айнан ана шу метафорик фикрга эга бўлмаган тадқиқотчилар уни тушуниши қийин бўлган».

Темур Хўжа: «Унинг шеърларини мен катта ҳаяжон билан ўқиганман. Чунки у ўзбек шеърлятида метафорани жуда кучли ишлатган бир киши. Метафорани энг кўп Чўлпон ишлатган. Чўлпоннинг метафоралари жудаям кучли, аммо кейинги даврда бошқаларда ҳам ўша метафора бор, аммо Муҳаммад Солиҳнинг шеърларида метафора жуда ҳам кучли».

Бошловчи: Лекин бироз синчков ўқувчи унинг шеърларидаги ташбеҳ пардаси ортидаги миллат дарди ва тузумга қарши мухолифликни кўриши мумкин эди. Муҳаммад Солиҳ ҳали турғунлик пайтларидаёқ шундай сатрлар битган эди:

*Нақадар зерикарли далалар -
пахтасиз!*

*Осмонга анграяр бўм-бўш
чаноқлар,*

*Дехқоннинг бўм-бўш панжаси
каби!*

(1975)



Эндигина жойидан жилган «Дамас» автомашинасини йўл-йўлакай тўхтатган уч қиз қийқиришганча орқа ўриндикқа жойлашиб олишди.

— Шофёр ака-а, — нозланиб сўз котди улардан бири, — насияга опкетасизда, атиги бир остановкага!

Хўп дея қолинг энди, — жўр бўлди унга ёнидаги дугонаси.

16-17 ёшлар чамасидаги қизларнинг ноз-карашмасига ўрта ёшлардаги шофёр акамиз ҳам «эриб» кетди чоғи, оғзининг таноби қочиб, кўзгуни қизларга тўғрилаб қўйди-да, илмоқ билан гап ташлади:

— Майли, кейин чой-пойга таклиф қилиш эсдан чиқиб, олдингилардай қочиб қолмайсизларми ишқилиб, жононлар?

Қизлар машинани бошларига кўтариб, қийқиришди. Биринчи сўз қотган қиз карашма билан жавоб қилди:

— Во-ой, бирор муздайроғидан айтинг, ўзи куйган юракларни чой билан куйдириб нима қиласиз?!

— Яна қийқирик янгради. — Ҳа, айтгандай, — эътирозли оҳангда давом этди у, — бошқа йўловчиларга йўлқирани бироз ошириб қўйсангиз, бизлар шу ҳисобдан текинга кетармидик, шофёр ака?!

— Бўпти, оширсак ҳам сизлар учун оширганимиз бўлсин, лекин...

Агар қўйиб берса, қизлар билан ҳайдовчининг беъмани ҳазиллари тугай демасди. Охири жим туролмай:

— Қизлар, — дедим орқага бурилиб, — уялмайсизларми, сизларда кадр-қиммат, ҳаё деганидан борми ўзи? Ҳали

ёшсизлар, бир-икки бекатга пиёда кецанглар ҳам бўларди, насияга олиб кетишу, йўлқирани ошириш ҳақида отаси тенги шофёрга маслаҳат бергандан кўра!

— Кўяверинг, опажон! Бу асал қизлар ҳар кунги миждозларимдан,

ҚАДРИНГНИ БИЛСАНГ-ЧИ, ҚИЗГИНА!

ўзимиз келишиб оламиз, — лукма ташлади шофёр ўзини оқлаб. Кейинги бекатда тушиб қолаётган қизларга яхшилаб разм солдим: тўладан келган сергап қизнинг оқ кофтаси жуда юпкалигидан...

Қолган икки қиз эса бир хил матодан этаги узун, қўйлак деса, қўйлакка ўхшамайдиган, юкори қисми салкам белигача очиқ, енг ўрнида елкаларидан фақат боғич ўтказилган алламбалони кийиб олишган.

Қизлар узоқлашгунча, улар орқасидан хирсли термулиб қолган ҳайдовчи машинани юргизаётиб яна ўзини оқлашга тушди:

— Тавба, дейману бу қиз деганида ибод-ҳаё бўлмаса қийин экан, ҳай-ҳай демаса, елкага чиқиб кетай дейди-я!

— Кечирасиз, ука! — дедим икки дақиқа олдин қизларга сукланиб-қийшанлаган, энди эса баҳона қидираётган ҳайдовчига истехзо билан, — улар ҳали йўл бошидаги гўр қизлар экан, лекин сизнинг ёшингиз ва ақлу-хушингиз жойида бўлса керак? Қизларнинг куракда турмайдиган илтимосини рад қилганингизда эҳтимол хатоларини англаб бошқа бундай қилишмасмиди?!

— Э, қаёқда дейсиз? — бошини чайқади шофёр, — баъзилари кўзини сузиб, худди елимдай

ёпишиб олади, яна бурди-балони кийиб, ҳаёлни ҳам ўғирлаб қўйишади, қурмагурлар. Энди опа, кўнгилигизга олмангку-я, ўзингиз гувоҳ, баъзи бир қизлар борки, нақ шайтонга дарс беради-да ўзиям.

— Бўлиши мумкин, — дедим, лекин бу ерда мен шайтонлик хунарини бир томонда эмас, балки икки томонда ҳам кўрдим. Демак, шайтонга дарс бериш фақат қизларгагина хос эмас экан, тушунган чиқарсиз, энди тўхтатинг, манзилимга келдим! — дедимда машинадан тушиб қолдим. Гапнинг очиғи ҳайдовчининг қизлар ҳақидаги «шилдир» гапларидан таъсирландимми, икки юзим ловуллаб-қизариб, бир бекат олдин тушиб қолибман.

Яёв кетар эканман, кўз олдимдан дам-бадам қийқираётган қизларнинг ибосиз сўзлари, беҳаё нигоҳларию алламбало кийимлари кетмасди. Беихтиёр пичирлайман:

— Бунча хору-хас, кадрсиз

бўлмасанг, ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилмаган навниҳолсан-ку, қизгина! Вужудингни томошақовоққа айлантирганинг ва ҳаё чегарасини босиб-янчиб ўтаётганинг самарасини вақти келиб, кўзингдан шашқатор ёшу афсус-надомат билан қарши олмагин тағин. Балки ўша пайт ҳам ҳозиргидек енгил ўйлаб, ҳаммасига қўл силтаб кетишинг мумкиндир. Чунки тарбиянинг пойдевори мустаҳкам бўлмаса, бари бекор! Энг оғриқли нуқтаси шуки, сабр-тоқати, ибод-ҳаёси ва касбу-камолоти билан олам аҳли аёллари ичра ном қозониб келаётган ўзбек хотин-қизлари кадр-қиммати баъзи бир «лат эганлар» тўдасининг касрига қолаяпти.

Шуни ҳеч кўз олдингга келтирармикансан? Бундан бироз бўлса-да, виждонинг азобланармикан? Кўзингни каттароқ очиб, олди-орқанга теранроқ назар сол! Вақт борида қадрингни билсанг-чи, қизгина!

Шафоат ЖўРАҚУЛОВА

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати

расмий нашри

www.uzxalqharakati.com/erkin yurt

Мухаррир: Камолитдин Йўлдош